**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУВЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**РЎЙХАТГА ЛИНДИ**
№ вм – 343 - 5А3406 – 2.01
«1» Июль **2003 й**

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

«8» Июль **2003 й**

# ХАЛҚАРО МОЛИЯ
# фанидан
# ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги 5А340601 - «Давлат молиясини бошқариш» магистратура мутахассислиги учун**

**Тошкент-2003**

**Тузувчилар:** доц. Бурханов У.,
доц. Жумаев Н.

**Тақризчилар:** проф. Ваҳобов А.,
доц. Ҳайдаров Н.

Дастур халқаро молияни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг асосий шаклларини ўз ичига олган бўлиб, у иқтисодий олий таълимнинг магистратура босқичи 340000 - «Бизнес ва бошқарув» соҳаси 5А340601 - «Давлат маблағларини бошқариш» 5А 340602 -«Маҳаллий маблағларни бошқариш», 5А340603 - «Молия, пул муомаласи ва кредит», 5А340604 - «Корхоналар молияси», 5А340605 - «Халқаро молия», 5А340606 - «Молия менежменти», 5А340609 -«Нархларни шакллантириш», 5А340601 - «Ҳалқаро молия муносабатлари» мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган.

Халқаро молия соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар учун ушбу дастур назарий билимларнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Мазкур фанда халқаро пул муомаласи, валюта бозорларида очиқ бозор операциялари, халқаро молия ташкилотларининг фаолияти, давлатларо пул оқимлари каби масалаларнинг назарий жиҳатлари ёритилади. Мазкур дастур асосида ташкил этилган маърузалар бўлажак магистларга халқаро молия билан боғлик муаммоларни ечишга кўмаклашувчи қўшимча назарий билимларни берибгина қолмасдан, балки уларни амалиётга тайёр кадрлар бўлиб етишишига ёрдамлашади.

Данная программа включает в себя основные формы международных финансов и предназначена для студентов магистратуры специальности «Управление государственными финансами», «Финансы, денежное обращение и кредит», «Финансы предприятий», «Международные финансы», «Финансовый менеджмент», «Ценообразование», «Международные финансовые отношения» сферы «Бизнес и управление». В программе освещены финансовые аспекты внешнеэкономических связей Республики Узбекистан, , которые отражают суть вопросов лекционных, практических (семинарских) занятий и тем для самообразования. В программе приведен список летературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. В конце списка были приложены списки сайтов интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

This manual is intended to study of International Finance for the Masters of economic high schools.

Experts working on International Finance sector well be theoretically guided in questions of the subject International Finance.

Open Market conditions require high qualified experts in the sphere of International Finance. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning International Currency regulation, Open Market operations in Exchange Markets, activity of International Financial Organizations, Intercountries Cash flow and so on.

The given rate of lectures stipulated by the program will help the Masters the additional theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with International Finance and prepare them to deal in practice.

Дастур Тошкент Молия института Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Узбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи

Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро борланиши

«Халқаро молия» фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган магистрантлар учун халқаро молия ва унинг тузилиши ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги халқаро молия сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан мборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- Халқаро молиянинг ижтимоий – иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- халқаро молия тизими ва унинг бўғинларини ўрганиш;
- халқаро миқёсда молияни бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- микро ва макро даражада халқаро молиянинг амал қилишини ўрганиш;
- халқаро молиядан самарали фойдаланиш юзасидан хорижий давлатлар илғор тажрибалари ва амалиётини ўрганиш;
- давлат та ищи савдо ва валюта балансининг ижтимоий иқтисодий ма.змуни ва уни мустаҳкамлаш имкониятларини ёритиш;
- жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида халқаро молия муносабатларининг аҳамиятини таҳлил қилиш.

«Халқаро молия» фанини ўрганиш учун «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти», «Монетар сиёсат», «Ҳозирги замон молия сиёсати стратегияси» каби фанлардан олинган билимлар муҳим назарий асос бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга «Халқаро молия» фани қатор махсус фанлар, жумладан, «Божхона иши», «Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш механизми», «Инвестицион лойиҳалар мониторинги», «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими», «Давлат молиясини бошқариш» ва ҳ.к. фанлар учун муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўиикма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, укувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда халқаро молиявий қонунчилик, оммавий-ахборот воситалари орқали халқаро миқёсдаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффакиятли ўрганиш учун талабалар халқаро молия амалиётида мавжуд иктисодий таҳлил ҳамда молиявий режалаштириш усулларидан фойдалана билишлари лозим.

«Халқаро молия» фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, халқаро молия амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда хамда халқаро молия муносабатларига доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида қўл келади.

### Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 90 соат ажратилган. Уларнинг 36 соати маьруза, 36 соати амалий машғулотлар ва 18 соати мустақил таълимдир. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш бир ўқув семестрига мўлжалланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишнинг бир семестрида икки маротаба жорий, икки маротаба оралиқ ва бир маротаба якуний баҳолаш амалга оширилади.

Компьютер, информацией ва бошқа замонавий ўқитиш тсхнологияларини қўллаш

Қуйидагилар ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланишнинг асосларини ташкил қилади:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- «тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назарияси» дан фойдаланилиши;
- «муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштириш» асосларидан фойдаланилиши;
- таянч иборaларга асосланган ёзма иш орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишда молияга тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими («Молия» АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Project expert" компъютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

## Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан «Давлат молиясини бошқариш» магистратура таълим йўналишлари бўйича мутахассисларга тегишли тарзда 2-семестрда ўтилиши мўлжалланган.

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлари тузишда:

- фан бўйича бакалавриат босқичининг тегишли йўналишлари учун тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши;
- ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этадиган даражада берилиши;
- мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши;

ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари хамда талабалар билими даражасини назорат килишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ёритилиши лозим.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Фан бўйича ўқиладиган маърузалар мавзулари

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқаро молиянинг роли**

*Ўзбекистон Республикаси халкаро молия муносабатларини шакллантиришнинг иqтисодий асослари.* Миллий хўжаликнинг ривожланишида ташқи иқтисодий алоқалар ва халқаро молия муносабатларининг аҳамияти. *Очи-Қ бозор сиссюпи ва протекционизм гояларининг иктисодий мохияти.* Миллий иқтисодиётга халқаро иқтисодий ва молиявий, муносабатларнинг ижобий ҳамда салбий таъсири. Узбекистан Республикасининг халқаро бозорга кириши ва иқтисодий потенциалининг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи иқтисодий ва халқаро молиявий муносабатларнинг янги босқичдаги вазифалари. Халқаро рақобатнинг ривожланиши билан жаҳон хўжалигида юз берган ўзгаришлар. *Ўзбекистон Республикасини жахон хўжалигига интеграциясини таъминлашда танланган йўналишлар ва вазифалар.*

**Халқаро молиявий муносабатларни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш**

*Иктисодиётнинг эркинлашуви шароитида халкаро молиявий муносабатларни давлат томонидан бошкариш ва тартибга солишга сифат жихатдан янгича ёндошув.* Ташқи иқтисодий фаолият субъектларига давлат томонидан таъсир этишнинг вазифалари, мақсади ва сабаблари. *Ташки иктисодий фаолиятга давлат томонидан таъсир этишнинг молиявий усуллари ва воситалари.* Бож тўлови. Тарифсиз чеклашлар. Импорт квоталари, импорт лицензиялари, экспортни субсидиялаш.

Давлатнинг халқаро молия тизимидан **самарали фойдаланишининг йўналишлари: мамлакат тўлов балансини бошқариш**

*Тўлов баланси. Тўлов балансининг мазмуни.* Тўлов баланси -мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг кўзгуси. Тўлов балансининг структураси: савдо баланси, хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси, капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси. Тўлое *балансининг кўрсаткичлари. Тўлов баланси моддаларини гурухлаги усуллари.*

Тўлов балансини қолдиғини ўлчаш усуллари. Тўлов балансини тенглаштириш. Ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов баланси. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар. Узбекистан Республикасининг тўлов баланси ва уни оптималлаштириш масалалари.

Валюта бозори ва валюта опсрацияларининг халқаро молия муносабатларидаги аҳамияти

Валюта бозори. Валюта курслари ва унга таъсир зтувчи омиллар. Хорижий валюта ва валюта операцияларининг мазмуни.

Жорий валюта операциялари ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари. Ўзбекистонда валюта операцияларини ривожлантириш муаммолари. *Валюта конвертацияланганлигининг мохияти, омиллари ва турлари.* Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий валюта тизимининг пшклланиши ва ривожланиши. Валюта заҳиралари.

Мамлакат миллий валюта сиёсатининг иқтисодий мазмунл. *Валюта сиёсатининг мацсад ва шакллари.* Узбекистан Республикасл валюта сиёсатининг айрим жиҳатлари. Валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари. Валюта сиёсати бўйича хорижий тажриба. *Валюта курсининг назарий асослари. Халкаро валюта-*

*кредит муносабатларида рискларни аниклаш. Рискларни келтириб чикарувчи асосий омиллар. Валюта рискини сугурталашнинг замоновий усуллари. Хежерлаш.*

Валюта сиёсатидан пул муомаласини тартибга солишда фойдаланиш. Валюта сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш ва уни такомиллаштириш.

**Халқаро молия ташкилотларининг халқаро молия муносабатларидаги роли***

*Жахон валюта, кредит ва молия бозорлари.* Олтин бозори. *Халцаро валюта тизими, унинг ривожланиши. Жахон валюта тизимининг ривожланиш босичлари ва унинг хусусиятлари. Жахон валюта тизимининг асосий элементлари.* Жаҳон олтин бозорлари ва олтин билан операциялар. *Халцаро ва худудий валюта, кредит хамда молиявий ташкилотлар.* Халқаро валюта бозори. *Халкаро валюта фонди(ХВФ)нинг ташкил топиши ва ривожланиши.* ХВФнинг махсус фондлари. ХВФнинг халқаро валюта-кредит муносабатларнинг тартибга солишдаги роли. Халкаро *тикланиш ва тараккиет банки (ХТТБ),* унинг ташкил топиши, мақсади, вазифалари ва ташкилий тузилиши. *Халцаро ривожлантириш ассоциациями. Халкаро молия корпорацияси. Европа кайта тиклаш ва тарацкиёт банки(ЕТТБ), унинг тузилиши, асосий вазифалари, мацсади ва ташкилий тузилиши. Европа хамжамиятининг минтацавий валюта-кредит ва молия ташкилотлари.* ЕТТБнинг минтақавий валюта-кредит ва молиявий ташкилотларига умумий тавсиф. Европа *Иттифоци (ЕЙ) минтакавий валюта-кредит ва молиявий ташкилотларининг тузилиш сабаблари. ЕЙ ташкилотларининг асосий кредит-молиявий фаолияти.*

**Халқаро солиқ муносабатлари**

Халкаро *операцияларни солицца тортишнинг зарурлиги ва мохияти.* Мамлакатнинг ташқи солиқ сиёсати. Икки ёқлама солиққа тортиш. Солиққа тортиш бўйича халқаро келишувлар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи солиқ сиёсатини шакллантириш ва уни такомиллаштириш. *Соликларни режалаштириш. Экспорт-импорт операцияларини салицца тортишни оптималлаштириш.*

**Халқаро лизинг опсрациялари**

Халқаро лизинг операцияларининг халқаро молия муносабатларидаги роли. Лизинг шакллари. *Операцион ва молиявий лизинг.* Халқаро лизинг операцияларпни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. *Халкаро лизинг шартномаларининг шакллари.* Лизингга ихтисослашган халқаро компаниялар. *Халцаро лизинг бўйича инвестиция лойихалари билан боглик масалалар.* Халқаро лизинг операцияларини Узбекистан Республикасида қўллаш масалалари ва ривожлантириш истиқболлари.

Халқаро суғурта бозори ва суғурта операциялари

Халқаро суғурта операцияларининг иқтисодий моҳияти. Халқаро суғурта бозори. *Суеурталаш. Қайта сугурталаш.* Европа суғурта бозорининг дунё суғурта бозоридаги ўрни. Кредитларни сугурталаш бўйича **давлат ташкилотлари. *Миллий сугурта ассоциациялари.*** Суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти.

Ўзбекистон **Республикасивинг халқаро капитал бозоридаги фаол иштирокини таъминлаш муаммолари**

*Ўзбекистон Республикасининг халкаро капитал бозорларидаги иштирокининг молиявий-иктисодий ва хукукий асослари.* Чет эл инвестицияларининг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ссуда капиталининг ҳаракат қилиш шакллари. Тадбиркорлик капиталининг четга чиқарилиши. Капитал экспортининг шакллари. Капитал ҳаракатининг тенденциялари. *Қўшма корхоналар.* Халқаро интеграцияда ҳамкорликдаги тадбиркорлик тушунчаси, унинг роли ва аҳамияти. *Ўзбекистонда цўгима корхоналарнинг тузилиши ва*

*ривожланиши. Ўзбекистонда чет эл инвесторларига бериладиган хуцуций-ицтисодий имтпиёзлар ва улариинг ахамияти.*

*Чет эл инвестицияларини жалб килиш йўллари.* Чет эл капиталини қимматли қоғозлар бозори орқали жалб этиш. Кўчмас мулкка жалб қилинган хорижий сармоялар. *Ўзбекистон Республикасида цулай инвестицион мухитни шакллантириш масалалари.*

Ўзбекистон Республикаси халкаро кредитлаш **ва** молиялаштириш амалиётининг иштирокчиси сифатида

*Узбекистан Республикасида халцаро кредит линияларининг фаолиятини ташкил этиш асослари.* Кисқа, ўрта ва узок, муддатлм кредитлашдан фойдаланиш хусусиятлари. Ўзбекистонга бевосита чет эл инвестицияларининг кириб келиши. Бунинг учун қулай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитнинг яратилиши. *Ўзбекистон царздор ва кредитор давлат сифатида. Ўзбекистон ташци щрзининг холати.* Ўзбекистон - Марказий Осиё давлатларининг кредитори сифатида.

## Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий институтлардаги иштироки

*Ўзбекистоннинг ЕЙ билан хамкорлиги. Ўзбекистоннинг ХВФ ва ЕТТБга кириши.* Охирги йилларда ХВФнинг Узбекистан Республикасига молиявий ёрдамлари. ХВФ маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш. *Ўзбекисгпоннинг ХТТБ, Халцаро ривожланиш, ассоциацияси, ЕТТБ билан хамкорлиги.* ЕТТБнинг Ўзбекистондаги фаолияти. Ўзбекистоннинг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлиги.

## 3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ , ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ (ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

### Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати

### Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқаро молиянинг роли

Ўзбекистон Республикаси - халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида*. Миллий хўжаликнинг ривожланишида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳамда халкаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг халкаро бозорга кириши ва иқтисодий потенциалининг ўзига хос хусусиятлари*. Ташқи иқтисодий ва халқаро молиявий муносабатларнинг янги босқичдаги вазифалари. Халқаро молиявий муносабатларнинг турлари ва уларнинг ривожланиши*.

### Халқаро молиявий муносабатларни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларига давлат томонидан таъсир этиш вазифалари, мақсади ва сабаблари. Ташқи иқтисодий фаолиятга давлат томонидан таъсир этишнинг молиявий усуллари ва воситалари*. Бож тўлови. Тарифсиз чеклашлар. Импорт квоталари, импорт лицензиялари, экспортни субсидиялаш*.

Давлатнинг халқаро молчи тизимидан самарали фойдаланишинииг йўиалишлари: мамлакат тўлов балансини бошқариш Тўлов баланси, унинг мазмуни ва аҳамияти*. Тўлов балансининг структураси; савдо баланси, хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси, капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси. Тўлов балансининг кўрсаткичлари*. Тўлов баланси моддаларини гуруҳлапл усуллари. Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси.

**Валюта бозори ва валюта опсрацияларининг халқаро молия муносабатларидаги аҳамияти**

Валюта оозори. Валюта курслари ва унга таъсир этувчи омиллар. Хорижий валюта ва валюта операцияларининг мазмуни. Жорий валюта операциялари ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари. Ўзбекистонда валюта операцияларини ривожлантириш муаммолари*.

Мамлакат миллий валюта сиёсатининг иқтисодий мазмуни. Валюта сиёсатининг мақсад ва шакллари. Ўзбекистон Республикасининг валюта сиёсатининг айрим жиҳатлари. Валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари*. Валюта сиёсати бўйича хорижий тажриба. Валюта курсининг назарий асослари*. Халкаро валюта-кредит муносабатларида рискларни аниқлаш. Рискларни келтириб чиқарувчи асосий омиллар. Валюта сиёсатини таъсирчанлигини ошириш ва уни такомиллаштириш*.

**Ўзбекистон Республикаси ва халқаро молия ташкилотлари имкониятлари**

Халкаро валюта тизими, унинг ривожланиши*. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари, унинг хусусиятлари ва асосий элементлари. Жаҳон кредит ва молия бозорлари, унинг хусуеиятлари*. Жаҳон ссуда капитали бозорининг тузилиши. Халкаро ҳамда худудий валюта, кредит ва молиявий ташкилотлар. Халкаро валюта бозори. Халқаро валюта фондининг ташкил топиши ва ривожланиши. Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ХТТБ)*. Халқаро ривожлантириш ассоциацияси. Халқаро молия корпорацияси. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)*, унинг тузилиши, асосий вазифалари, максади ва ташкилий таркиби. Европа ҳамжамиятининг ммнтақавий валюта-кредит ва молия ташкилотлари*. ЕТТБнинг минтақавий валюта-кредит ва молиявий ташкилотларига умумий тавспфнома.

**Халқаро солиқ муносабатлари**

Мамлакатнинг ташқи солиқ сиёсати*. Иккиёклама солиққа тортиш. Солиққа тортиш бўйича халқаро келишувлар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи солиқ сиёсатини шакллантириш ва уни такомиллаштириш. Соликларни режалаштириш*. Экспорт-импорт (шерацияларини солиққа тортишни оптималлаштириш.

**Халқаро лизинг операциялари**

Халқаро лизинг операцияларининг халқаро молия муносабатларидаги роли. Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Халқаро лизинг шартномаларининг пмкллари. Лизингга ихтисослашган халқаро компаниялар. Халқаро лизинг бўйича инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ масалалар. Хмлкаро лизинг от.-рация.ларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш ма сала лари ва ривожлантириш истиқболлари*.

**Халқаро суғурта бозори ва суғурта операциялари**

Халқаро суғурта операцияларининг иқтисодий моҳияти. Халқаро суғурта бозори. Суғурталаш. Қайта суғурталаш. Европа суғурта бозорининг дунё суғурта бозоридаги ўрни*. Кредитларни суғурталаш бўйича давлат ташкилотлари. Миллий суғурта ассоциациялари. Суғурта компанияларининг инвестициялари*.

**Узбекистан Республикасининг халқаро капитал бозоридаги фаол иштирокини таъминлаш муаммолари**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта-кредит алоқаларининг асосий йўналишлари*. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ссуда капиталининг ҳаракат қилиш шакллари. Тадбиркорлик капиталининг четга чиқарилиши. Капитал экспортининг

шакллари. Ўзбекистонда қўшма корхоналарнинг тузилиши ва ривожланиши*. Ўзбекистонда чет эл инвесторларига бериладиган ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар, уларнинг аҳамияти*.

**Ўзбекистон Республикаси халқаро кредитлаш ва молиялаштириш амалиётининг иштирокчиси сифатида**

Узбекистан Республикасида халқаро кредит муносабатларидан фойдаланиш йўналишлари*. Халқаро кредит линиялари. Узбекистан Республикаси қарздор ва кредитор давлат сифатида*. Узбекистан ташқи қарзининг ҳолати. Ўзбекистон - Марказий Осиё давлатларининг кредитори сифатида.

Ўзбекистон **Республикасининг** халқаро молиявий институтлардаги **иштироки**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти билан ҳамкорлигининг зарурлиги, асосий йўналишлари ва истиқболлари*.

## 4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР ВЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсатгичларни ҳисоблаш,

диаграммаларни, персонал компьютерда электрон жадвалларда Excel 7,0 паке™ билан ишлаш орқали ёрқин намоён этилиши мумкин.

ТТТу билан бирга талабалар «Право» тизими орқали молиявий қонунчллик янгиликларидан хабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Case Studies: Халқаро молия институтлари фаолиятига доир ўқув мисоллари (рус тилида). Очиқ жамият институти хомийлигида Иқтисодий Марказ томонидан тузилган.

**Масофавий ўқитиш соатлари:** Халқаро валюта фонди, Халкаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожлантириш ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси дастурлари; www.yandex.ni; www. finmarket.ru; wAvw.rambler.ru.; www.worldbank.org.ru; www.imf.org;

**Статистик тўпламлар:**

1. Платежный баланс Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г
2. Внешние долги стран мира за 1999, 2000, 2001, 2002 г.г.
3. Информационный бюллетень МВФ за 1999, 2000, 2001, 2002 г.г.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 60 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 24,0 балл, орқали баҳолашга 10,0 балл ва якуний баҳолашга 18,0 балл ажратилади. Ёзма иш вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мое келиши таъминланади ва талабаларнинг ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари учун фанга белгиланган баллар миқдори ўқув режаси бўйича ҳар семестрда ажратилган соатнинг 70 фоизи доирасида белгиланади. Ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедра қарори билан мавзуларнинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

■ магистратура тингловчисининг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;

• амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;

• фан бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатларни конспектлаши;

кафедра томонидан белгиланган мавзулар бўйича реферат ёзиши;

мустақил таълим доирасида берилган назорат ишларини бажариши.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари ёзма иш ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

Якуний баҳолашда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистратура тингловчисининг билими баҳоланади. Якуний баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30 фоизи миқдорида белгиланади. Фан бўйича якуний баҳолаш белгиланган тартибда ёзма иш усулида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси фанлар учун баҳолаш турларининг хар оири бўйнча рейтинг балларини ҳисоблаш механизмини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр ёки ўқув йили давомида ўқлтиладиган фан бўйича 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган магистратура тингловчиси қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади Фанлар бўйича максимал баллнинг 55 фоиздан кам балл тўплаган магистратура тингловчиси қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган балл қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичи билан баҳоланади:

? 86-100 фоиз (51.6 баллдан 60 баллгача) - "аъло";

? 71-85 фоизгача (42.6 баллдан 51.0 баллгача) - "яхши";

55-70 фоизгача (33.0 баллдан 42.0 баллгача) - "қониқарли". Ёзма иш вариантларини баҳолаш мезонлари кафедра мажлиси баённомалари билан тасдиқланади.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Узбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Узбекистан, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Узбекистан, 1998.
4. Узбекистан Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни. 1993 йил 7 май.
5. Максиме В. Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоуренс Дж.. Мауер. Мировые финансы. - М.: Дека, 1998.
6. Красавина Л.Н. Международные валютно-крадитные и финансовые отношения. Учебное пособие. -М.: Финансы и статистика 2001.
7. Абрамова А.М., Александрова Л.С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебное пособие. - М.: 1999.
8. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учеб. пос. - М.: 2001.
9. Бочаров В.В. Инвестиционный менеджмент: региональный аспект - СПб.: Питер, 2000.
10. Дж. Ван Харн. Основы управления финансами. Под ред. Проф. Соколова Я.В. - М.: Финансы и статистика, 1996.
11. Дж. Менвиль Харрис. Международные финансы. - М.; 1996. Шмырева АИ., Колесников В.И., Климов А.Ю.

Международные валютно-кредитные отношения. -СПБ.: Питер.,2001. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире. - М.: ОАО МПО, 2001.
12. Федоров. Основы страховой деятельности. Учебник. - М.: БЕК, 1999.
15. Кратко ИХ. Международное предпринимательство. Учеб. - М, 2001.
16. Мировая экономика и международные экономические отношения. Уч.пос. под ред. Акоповой Е.С. - М.: Феникс, 2001. Международные экономические отношения. Уч. под ред. Ливенцева Н.Н. - М.: Финансы и статистика, 2001. Мировая экономика, международные экономические отношения. Серия учебники. Учеб. пос. Под ред. Аковопой. Е.С. - М.: Феникс, 2001. Международные финансовые отношения. Уч. под ред. акад. Сенчагова А. Г. - М.: Финансы и статистика, 2001. 182
20. Стрыгин А.В. Мировая экономика - М.: Экзамен, 2001.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта Старого Совета. - М., 2000. Лившиц А.Я. Основные ориентиры финансовой политики. //Финансы, 1997, № 1.
2. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под. ред. проф. В.П. Колесова и др. - М.: Флинта, 2001.
3. Погорлецкий АИ. Экономика и экономическая политика Германии в XX веке. - Спб., 2001.
4. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие, - М.: ИНФРА-М, 1996.
5. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования. - М.: Финансы и статистика, 1996.
6. Boyd J. Inflation. "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996. Policy Research working Poner. 1575. The World Bank. Washington. D. C
7. Hermes N. Lesnik R. Financial System Development in Transition Economies. Journal of Banking and Finance. Vol. 24. pp. 507- 524.
8. Moyer C. Financial System. Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbard (ed) Asymmetric information. Corporote Finance and investment. A Notional Bureau of Economic 1990 Research Project Report, University of Chicago Press. Chicago. PP. 307-322.
10. Steinherr A. An innovatori Package for Financial Sector Reforms in astern Euro pean Countries. Jorunal of Banking and Financeial 17 PP. 1033-1057.

Mingaleva Zh About the experience of enterprise's strotegies in crises situation All Russian scientific conference "Economics" theory methodology, thends of developmrnt: S-Petersburg 1998. Tkacheva Sinnovation Activities Infrastrue, turee as ulti Angent Sysern The 11th Annouol Meeting of the Japan Association for Evolutionary Econo mics. JAFEE 2000 Tokyo Japan 2000. 136-141.